

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

3-2020

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

**Т.Бакиров**

Комплекс сонлар: мактаб ва олий ўқув юртида..... 6

КИМЁ

**Ф.Умуров, М.Амонова, М.Амонов**

Флокулянт ва адсорбентлар ёрдамида оқова сувларни тозалаш жараёнини ўрганиш ..... 13

**С.Хушвақтов, М.Жураев, Д.Бекчанов, М. Мухамедиев**

Поливинилхлорид асосидаги азот ва олтингургурт тутган поликомплексонга кобальт (II) ва хром (III) ионларининг сорбцияси..... 19

**А.М.Хурмаматов, О.Т.Маллабаев, О.К.Ергашев**

Нефтни қайта ишлаш корхоналарида фойдаланиладиган техник сувнинг қаттиқлигини пасайтириш ва юмшатиш бўйича тадқиқот натижалари ..... 27

БИОЛОГИЯ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

**О.И.Абдуғаниев, Б.А.Ўринова**

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тизими ва барқарор ривожлантириш стратегияси..... 34

Ижтимоий-гуманитар фанлар

ИҚТИСОДИЁТ

**А.Абдуллаев, К.Курпаяниди**

Рақамли иқтисодиётда бизнес юритиш хусусиятлари ..... 39

**С. Исмоилова**

Маҳаллий бюджетлар маблағларидан самарали фойдаланишни таъминлаш йўл-йўриқлари ..... 44

ФАЛСАФА, СИЁСАТ

**М.Тошбекова**

Глобаллашув шароитида мафкуравий тўқнашув ва унинг оқибатлари ..... 50

**А. Юлдашев**

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқарув академиясининг фаолиятини ривожлантириш хусусида ..... 57

**Д.Тошалиев**

Рост мақомидан сарахбори рост шуъбасининг таҳлилий масаласига доир ..... 63

ТАРИХ

**М.Х. Исамиддинов, З.О. Раҳманов**

Саразм ва Фарғона: ўзаро таъсир ва алоқалар ..... 68

**Х.Эшов**

Маънавий таҳдидларга қарши кураш тушунчасининг генезиси ва эволюцияси ..... 75

**Р.Арслонзода, Х.Мамуров**

Совет ҳокимияти оппонентларининг эсдаликлари тарихий манба (Ўзбекистон материаллари) асосида ..... 82

**У.Халмуминов**

“Насабнома”ларда илк ўрта асрлар Фарғона тарихининг акс этиши ..... 86

**Н.Ҳамаев**

Мухториятнинг тугатилиши ва истиқлолчилик ҳаракатининг бошланиши жадид матбуоти кўзгусида ..... 91

**D.Ismoilova, M.Khaitova**

XIX охири - XX аср бошларида Ислом динининг Туркистон ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаётидаги ўрни ва ролининг тарихшунослиги ва манбашунослиги..... 97

РОСТ МАҚОМИДАН САРАХБОРИ РОСТ ШУЪБАСИНИНГ ТАҲЛИЛИЙ МАСАЛАСИГА  
ДОИР

## К АНАЛИТИЧЕСКОМУ ВОПРОСУ ОБ ОТДЕЛЕ САРАХБОРИ РОСТ В МАКОМЕ РОСТ

## ON THE ANALYSES OF THE PART OF SARAKHBORI ROST IN MAKOM ROST

Д.Тошалиев<sup>1</sup><sup>1</sup> Д.Тошалиев

ФарДУ, магистрант.

**Аннотация**

Мақола Мақом санъати масаласига доир бўлиб, Шашмақомдаги “Рост” мақомининг ашула бўлимидан Сарахбори Рост туркумининг таркибий тузилиши, куй-оҳанг хусусиятлари, сўз матни мазмуни нуқтаи назаридан илмий-назарий ҳамда амалий таҳлил қилишга қаратилган.

**Аннотация**

Статья посвящена национальному искусству Маком. В ней с научно-теоретической и практической точек зрения анализируются структурный состав, особенности ритма и мелодии, а также содержание текста серии «Сарахбори Рост» из вокального отдела макома «Рост» в Шашмакоме.

**Annotation**

This article is dedicated to the national art of Macom and presents the theoretical and practical analyses of the structure, features of the melody and rhythm along with the text content of the Sarahbori Rost series from the vocal part of Rost in Shashmakom.

**Таянч сўз ва иборалар:** маданий мерос, Мақом, Сарахбори Рост, миёнхат, дунаسر, намуд, Сегоҳ, Ушшоқ, Уззол, Муҳаяри Чоргоҳ, супориш, тарона.

**Ключевые слова и выражения:** культурное наследие, Маком, Сарахбори Рост, миёнхат, дунаسر, намуд, Сегоҳ, Ушшоқ, Муҳаяри Чоргоҳ, супориш, мелодия.

**Keywords expressions:** cultural heritage, Makom, Sarakhbori Rost, miyonhat, dunasr, namud, Segokh, Ushshokh, Muhayari Chorgokh, suporish, melody.

Анъанавий ҳаёт тарзи, ахлоқ меъёрлари ҳамда муסיқанинг маънавий озукаси бўлган миллий Мақом санъатида инсонни камолотга ундайдиган дунёқарашлардан келиб чиқувчи бой менталитет мавжуд. Шуларни назарда тутган ҳолда ёшларнинг маънавий-ахлоқий маданиятини шакллантиришда Мақом санъатидан оқилона фойдаланиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади. Айниқса, “Ўзбек миллий Мақом санъатини янада ривожлантириш чоратadbирлари тўғрисида”[1]ги қарорнинг ўз вақтида эълон қилинганлиги мазкур Мақом санъатининг тарбиявий аҳамияти ўта муҳим эканлигидан далолат беради.

Шарқ халқларида жуда қадим замонлардан мавжуд бўлган муסיқий жанрлардан бири Мақомдир. Улар мазкур халқларнинг ўзига хос миллий муסיқий бойликларини мужассам қилган ҳолда, созанда ва хонандалар томонидан яратилган ва узоқ маданий-тарихий тараққиёт жараёнида мустақил муסיқий жанр сифатида юзага келган. Мақомлар кишиларни руҳан

тетиклаштирувчи, уларнинг маънавий эҳтиёжларини қондирувчи сифатида қадим замонлардан буён бугунги кунгача инсонларга хизмат қилиб келмоқда.


Мақом – оҳангга жойлашган тафаккур. У қоғозга битилмаган, тошга ўйилмаган китоб. ...унинг оҳанглари она заминга меҳр уйғотади[2,35].

Бугунги кунда мақом шеърятининг ички хусусиятлари, унинг ўзига хос муסיқийлиги нуқтаи назаридан ўрганилган бўлса-да, буларни етарли деб бўлмайди. Шунга кўра биз мазкур мақоламизда миллий маданий меросимиз бўлган Мақом санъатининг назарий асосларини таҳлил қилишга ҳаракат қилдик.

Шашмақомдаги ҳар бир мақом икки бўлимдан иборат, Мушкilot – чолғу бўлими, Наср – ашула бўлими. Олдинги мақолаларимизда таъкидлаб ўтганимиздек, Наср бўлими таркибидаги мақомлар Сарахборлар билан бошланади. Сарахбори Бузрук, Сарахбори Рост, Сарахбори Наво, Сарахбори Дугоҳ, Сарахбори Сегоҳ ва Сарахбори Ироқ шулар жумласидандир.

Сарахбор икки сўз бирикмаси: “сар” – бош, “ахбор” – хабар сўзининг кўплигидан иборат бўлиб, бош ахборотчи, бош куй, бош мавзу маъноларини англатади. Сарахборлар ҳар бир мақомнинг бошланиш шуъбаси ҳисобланиб, бош мавзунини очиб берувчи вазифани бажаради. Рост мақомининг ашула бўлими ҳам Сарахбор туркуми билан бошланади. Сарахбори Рост барча сарахборларга ўхшаш вазмин, оғир куй ҳаракатига эга. Сарахбори Рост туркумида оҳанг тузилишидаги ўзига хослик шундан иборатки, ушбу шуъбада тўртта намуд бирин-кетин ижро этилади. Бундан ташқари, Сарахбор – доира усули маъносини ҳам англатади. Мақомлар номланишида уларни қайси доира усулида ижро этилиши аҳамиятлидир. Одатда мақом туркумининг номи унинг қандай доира усулида ижро этилиши ва қайси мақом (лад)га тегишли эканлигидан далолат беради. Масалан, Сарахбори Рост[3] туркумининг номланишида Сарахбор – усул (ритм) номи, Рост – Рост мақомига тегишли эканлигини англатмоқда.

Сарахбор доира усулининг такт-ритм ўлчови 2/4 (икки чорак) бўлиб, қуйидагича ижро этилади:



Мазкур намуна оғзаки амалиётда “бак-ист-бум-ист” тарзда ўқилади. Ҳар бир мақом намунасининг куй тузилиши маълум бир қонуният асосида ижод этилган. Бу қонуният куй ва оҳанг жумлаларининг тартибли кетма-кетликда, туркум ҳолида ижро этилиши билан бошқа мусиқий жанрлардан фарқланади.

Сарахбори Рост ҳам шундай қонуният асосига қурилган асосий шуъба[4] лардандир. Шуъбаларнинг куй тузилмалари асар ижро этиладиган ғазал матнидаги байтлар (икки мисра) орқали ажратилади. Мақом санъатида ҳар икки мисра – бир хат, деб юритилади. Мазкур шуъба шоир Мунисининг “Этиб” радифли ғазали билан ижро этилиб, Сарахбори Ростнинг биринчи хати ҳисобланади. Биринчи хат – даромад деб аталади ва асарнинг бошланғич пардаларида куйланади.

Мисол:

Қилди кўзум қаро мени ғам тийра ҳол этиб,

Хуршеддек ёрут ани арзи жамол этиб.

Ушбу ғазал ишқ мавзусидаги ғазаллар сирасига кириб, матлаъ, яъни дастлабки байтнинг баёни қуйидагича:

Мазкур байтнинг биринчи мисрасида маъшуқанинг ҳижронидан ошиқ ҳоли тийра (хира, қоронғу) бўлгани ва шу сабабдан кўзлари қора рангалиги ифодаланган. Иккинчи мисрада эса шоир ёрнинг жамолини қуёшга таққослаб, қаро бўлган кўзларини ана шу ёруғлик билан нурафшон қилишини сўрамоқда. Шунингдек, хонандалар томонидан қуйланган сўзсиз ижронинг ошиқ дардини кўрсатиб бераётганлиги асар маҳобатини янада оширади. Асосий шуъбалар тузилишида даромад қисмидан сўнг миёнхат қисми ижро этилади. Сарахбори Ростда миёнхат қуйидаги байтда келади:

Мардумларим юзига ёпиштиму ё магар,  
Машшота зеб берди мунга ани хол этиб.

Ушбу байтда ошиқ: “Мардум”, яъни кўз қорачиғи ёрнинг юзига ёпишдими? Ёки машшота[5] улардан ҳол ясаб, маъшуқанинг юзларига оро бердимикан? – демоқчи. Байтда шоир муболаға санъатидан фойдаланган ва ўзининг маъшуқага кўп термулганидан кўз қорачиқлари ёр юзида ҳолга айланаётганини ҳайрат билан ифодалаган. Айниқса, ижродаги ҳанглارнинг аёллар томонидан қуйланганлиги ошиқ дардини юксак даражада тафаккур қилишга имконият яратади.

Кейинги байт ҳам асарнинг ўрта пардаларида ижро этилади, яъни, миёнхат кейинги хатда ҳам давом этади:

Жисмим ғаминг тоши била кўйингда  
бўлди гард,

Қил сарфароз гохи ани поймол этиб.

Байтда ошиқнинг бутун вужуди ёрнинг ишқида ғам билан тўлиб, чанг (гард) бўлиб кетганлиги, энди у чангни оёқлари билан топтаб – чангитиб, гоҳ-гоҳида баландларга кўтариб, ошиқ жисмини сарафроз этиши шоирона ифодаланган. Бу мисралар ижродаги ҳанглор орқали яна ҳам жозибали кўринади. Айниқса, сўзсиз ижронинг бошқа шуъбаларда ҳам учрайдиган машҳур куй оҳангидан фойдаланилганлиги, ошиқнинг сўз билан ифода этиб бўлмайдиган ички туйғуларини очиб берган.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, Сарахбори Рост шуъбасида Дунаср қисми кўзга ташланмайди. Яъни асарнинг даромад қисмидаги куй жумласи бир октава юқори пардаларда такрор ижро этилмайди. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, намудлар баъзан мақомларнинг куй тузилишида даромад қисми сифатида ижро этилади. Мазкур шуъбада ҳам Миёнхат жумласидан кейин дастлаб чолғучилар ансамбли, сўнг хонандалар томонидан Сегоҳ намуди ижро этилади:

Ишқимни айла тарк дединг, мақсадинг недур?

Мундоғ мени мукаллафи амри махол этиб.

Байтнинг маъноси шундай: сен менга ишқимни тарк айла дейсан, менга бундай мушкул, ҳеч бир мукаллаф[6,183] бажара олмайдиган амрни беришингдан мақсад нима? Шоир ушбу байтда Тажоҳули ориф санъатидан моҳирона фойдаланган. Яъни маъшуқа берган топшириқни бажара олмаслигини билгани ҳолда ёрнинг амридан таажжубланиб, “мақсадинг не?”, дея ёлвориб мурожаат қилмоқда.

Мазкур мисралар сўзсиз ижро этилиши байтнинг яна ҳам ёрқинроқ ифодаланишига олиб келади. Юқоридаги байт Сегоҳ намуди оҳангларида дардли куйлангач, худди шу байт тақроран Ушшоқ намудида ижро этилиши байтнинг маъносини тингловчига аниқроқ етиб боришига хизмат қилади.

Ҳар бир намуд маълум шуъбанинг бошланиш куй жумласидан олиниб, намуднинг номи қайси шуъбадан олинганлигидан далолат беради. “Масалан, Намуди Ушшоқ – Насри Ушшоқдан, намуди Дугоҳ – Дугоҳи Хусайнийдан, Намуди Ораз – Орази Наводан, Намуди Сегоҳ – Насри Сегоҳдан, Намуди Баёт – Насри Баётдан, Намуди Уззол - Насри Уззолдан, намуди Муҳаяри Чоргоҳ – Насри Чоргоҳдан олинганлиги маълум”[7,183].

Сарахбори Рост шуъбасидаги Сегоҳ намуди “Насри Сегоҳ”нинг бошланиш куй жумласидан олинганлиги учун ҳам намудга Сегоҳ номи берилган. Намуди Ушшоқ ҳақида ҳам шундай фикр юритиш мумкин.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, Сарахбори Ростда Сегоҳ ва Ушшоқ намудларининг сўз матни бир хил, яъни, бир байтда ижро этилади. Бир байтнинг икки хил оҳангда ижро этилиши ошиқ дардини ифодалаш билан бирга сўзнинг кўзга ташланмайдиган маъноларини очиб беришга хизмат қилади.

Ушшоқ намудидан сўнг тингловчи учун илғаб олиш осон бўлган намуд: – Уззол намуди янграйди. Ушбу намудда “уззол” сўзининг маъносидан келиб чиқиб куй оҳангида “пастга сакраш” кузатилади. Бу куй жумласи қуйидаги байт билан ижро этилган:

Бер файзи шоми ийд қошинг аксидин манга,

Ёқут ранг май шафақида хилол этиб.

Мазкур байтда шоир ташбих санъатидан усталик билан фойдалангани ҳолда ёрнинг қошини ярим ойга ўхшатмоқда. Одамлар

байрам (ийд) кунини ой чиқишига қараб белгилаганлари каби ошиқ учун ҳам ёрнинг қошини кўрган вақтдан бошлаб байрам бошланишини тушунтирмоқда. Ижрода эса иккинчи мисрадаги оҳанг баланд пардада куйлангани маъшуқа жамолини кўришга муштоқ ошиқ ҳолатини тасвирлайди.

Юқоридаги байт ҳам тақроран куйланиб, энг чиройли намуд ҳисобланган Муҳаяри Чоргоҳ намудида ижро этилади.

Кейинги байтнинг биринчи мисраси Сарахбори Ростнинг энг юқори пардаларида ижро этилиб, авж ҳисобланади.

Авж:

Топдим муҳаббат ахли аро сурх рўйлиғ,  
Иккинчи мисра эса аста-секинлик билан ўрта пардаларда куйланиб, оҳанг асарнинг бошланиш пардалари томон ҳаракатланади.

Қонлиғ сиришк чехраи зардимни ол этиб.

Мазкур икки мисранинг яхлит мазмуни бундай: Кўзимнинг қонли ёшларидан сариқ юзларим қизил тусга кирди ва муҳаббат ахли орасида қизил юзлик бўлдим.

Сўнги байт эса Фуровард – туширим қисми ҳисобланади ва бошланғич пардада яқунланади.

Мунисга ҳар неча ғами хажринг хужум этар,

Дафъ айлар они ёди нишоти висол этиб.

Фуровардда куйланадиган байтда шоир ўзининг ошиқлик даражасига нисбат беради ва ҳижроннинг ғами Мунисга ҳар қанча хужум қилмасин, бу ғамларни дафъ этади. Чунки унда (ошиқда) сенинг васлингни ёд этишдан оладиган завқ ва куч бор, дейди.

Сарахбори Рост шуъбаси куйлангач, кейинги асосий шуъбага ўтишдан аввал тароналар ижро этилади. Тароналарнинг асосий шуъбалар орасида келишини инобатга олиб, боғловчилар дейиш ҳам мумкин. Тингловчи учун бу жиҳат кетма-кет вазмин асарларни идрок этишдаги бир хилликнинг олдини олади ва ранг-баранглик орқали диққатни жамлашга ёрдам беради. Бундан ташқари, тароналарнинг яна бир вазифаси борки, бу – етакчи ҳофизларга дам бериш. Мақом ижрочилигида асосий шуъбаларни устоз хонандалар ижро этиб, тароналарни шогирдлари куйлашган. Бу йўл билан устозлар кейинги шуъбани ижро этишга тайёргарлик кўриш баробарида овозга дам берганлар.

Сарахбори Ростнинг биринчи таронаси Фурқатнинг “Менинг” радифли ғазали билан ижро этилади. Дарвоқе, тароналар номланмайди ва рақамлар билан ажратилади. Мисол:

## I тарона

Юзу зулфинг фурқатидан, эй дилоромим менинг,  
Йиғламоқлиғ бирла кечгай субҳ ила шомим менинг.

Йўқ эрур осойишим холинг ғамидин кечалар,  
Найлайн талх ўлса бу тарёқдин комим менинг?

Хоки пойини фидоси жон ўшал қосиндиким,  
Етқурур бўлса жанобинға бу пайҳомим менинг...

Айлдинг азми сафар, қолдим агарчи термулиб,  
Сен билан кетди баробар сабру оромим менинг.

Эл гумон айларки: нўшим бодаи гул ранг эрур,  
Йўқ, лабинг ёдида тўлмиш қон ила жоним менинг

Нега булбулдек фиғону қумридек чекмай наво,  
Сендан айрув Фурқат, эй сарви гуландомим менинг.

Иккинчи тарона эса Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Тут” радифли ғазалида куйланган:

## II тарона

Ғофил ўлма, эй соқий, гул чоғин ғанимат тут,  
Вақти айш эрур боқий ол чоғир кетур бот тут

Бу насиҳатим англа, не билур киши янгла,  
Не бўлур экин тонгла, сен букун ғанимат тут.

Хуш тутур висоли ёр, анга бўлмаса дайёр,  
Бўлса васл эътибор, давлату саодат тут.

Учинчи тарона Увайсийнинг “Жафосин чекмайин бўлмас...” деб бошланувчи ғазали билан ижро этилган.

## III тарона

Жафосин чекмайин бўлмас муяссар санга, жаноним,  
Юракка дарди тегмай, таъсир этмас оху афғоним.

Қошинг бир ғамзаси то тўқдики ушшоқ-қонини,  
Кўзин майдонида саф-саф томошо қилди мижғонинг.

Увайсий, ёда кўрсатмай хижо бўлган таолуқот  
Аларни ғарқ этар тўфон ўлуб бу чашми гирёнинг.

Сарахбори Ростнинг тўртинчи таронаси ҳамда супориш[8]и тожик тилидаги шеърлар билан куйланган. Шашмақомдаги мақомларнинг сўз матнлари орасида форс-тожик тилидаги шеърларнинг мавжудлиги ушбу дурдона асарлар мажмуи икки халқ – ўзбек ва тожик халқларининг номоддий-маданий мероси эканлигидан далолат беради. Бундан ташқари, устоз ҳофизлар мақомларни ижро этишда даврадаги тингловчиларга ҳам эътибор берганлар. Уларнинг таъби ва савиясига қараб, мақомларнинг шеърий вазни бир хил бўлган бир неча ғазаллар билан ҳам ижро этишган. “Ўзбекча ғазаллар

танланганида Навоий, Фузулий, Ҳувайдо, Машраб, Амирий, Муҳаййир каби шоирларнинг ғазалларидан кўпроқ фойдаланиларди. Хоразмда эса Мунис ва Огаҳийнинг ўзбекча ва тожикча ғазаллари мақом ҳофизлари репертуарида катта ўрин тутарди”[9,210].

## IV тарона

Пеши ки равам назди ки равам,  
Аз баски дилам сий ту бошад.

Аз нозу ситам васли ту ба ман авло-авло,  
Рўят бинамо то гул руюд сахро-сахро.

Оташ ба дарун, синаам хирмон-хирмон,  
Хунобаи хар ду дидаам дарё-дарё.

Тўртинчи тарона ижро этилгандан сўнг, доира усули ўзгариб, супориш қисми Талқин доира усулида куйланади ва Сарахбори Рост шуъбаси яқунланади. Кейинги туркум – Талқини Ушшоқ, яъни талқин доира усулида ижро этилгани учун супориш қисми ҳам ана шу доира усулида ижро этилган.

Супориш:

Тарки хома кардему қаландар гашти  
Маро дар ёб хай дўст-хай дўст  
Шодийи дили ёрон боғ диги дўст  
Дил аз чаро канам ки хулқи ту нақўст ту  
Ман туро садқа.

Мураккаб куй тузилиши ва туркумлиликни ҳосил қилган мақомларни ижро этиш ҳамда тингловчига етказиш масаласи ҳамон долзарб бўлиб қолмоқда. Мумтоз мусиқа намуналарининг таркибий тузилиши, куй-оҳанг хусусиятларини илмий таҳлил этиш, соҳа кишилари зиммасидаги бирламчи вазифадир. Бундай машаққатли ва масъулиятли ишни амалга оширишда назарий, амалий ҳамда илмий ёндашиш талаб этилади. Айниқса, мақом намуналарини илмий асосда тарғиб қилиш орқали ушбу бебаҳо санъатга қизиқувчилар сафи кенгайиши ҳамда ёшлар онгида миллий оҳангларга нисбатан тўлақонли таассурот ҳосил бўлиб, саводли тингловчиларнинг етишиб чиқишига туртки бўлади, деган умиддамиз.

#### Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 17 ноябрдаги “Ўзбек миллий Мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.
2. Саид Аҳмад. Илоҳий неъмат. // Тафаккур журнали, 1994 йил № 1-сон.
3. Шашмақом ўзбек ва тожик халқларининг номоддий маданий мероси бўлганлиги учун, мақомлар тожик тилида қандай аталса, шундай номлаш одат тусига кирган. Шундай бўлсада, мақомларнинг номини ўзбек тилига ўгириб айтиш ҳам хато ҳисобланмайди. Мисол учун, Сарахбори Рост ўзбек тилида Рост Сарахбори деб юритилади. <sup>1</sup> Шуъба – арабча “қисм”, “тармоқ”.
4. Зеб берувчи, пардозчи.
5. Болалик ёшидан ўтиб, эркак ва аёллик давридаги ҳар бир мусулмон киши (Ислом динига эътиқод қилувчи) мукаллаф ҳисобланади.
6. Ражабов И. Мақомлар. –Т., 2006.
7. Супориш – топширув. Мақомларнинг асосий шуъбалари якунида, кейинги асосий шуъбанинг куй тузилишига ўтиш учун восита вазифасини бажаради. Мақомшунос олим Исҳоқ Ражабовнинг “Мақомлар” монографиясида ёзилишича: Супориш Сарахбор тароналаридан Талқинларга, Талқин тароналаридан Насрларга ва улардан Уфарларга ўтишда восита бўлади. Супоришларнинг яна бир вазифаси – мақом шуъбаларининг хотимаси, яқунловчи қисми бўлиб ҳам хизмат этади. Масалан, маълум бир шуъба ижро этилиб, тароналарга ўтилса, охирида супориш билан туширилади.
8. Ражабов И. Мақомлар. –Т., 2006.

(Тақризчи: Т.Абдуллаев – фалсафа фанлари доктори, профессор)